



2018 y.g. « 26 » январь № 57-К

Samarkand sh., - г. Самарканд

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони ҳакида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони ижросини таъминлаш максадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуникинг 6 ва 25-моддаларига асоссан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони раҳбарлик ва ижро учун кабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан:

Кўйидагиларни назарда тутувчи 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастурни деб юритилади) тасдиқланганлиги:

давлат ва жамият курилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида - давлат хизматикинг нуфузи ва самарадорлигини ошириш, ижро этувчи ҳокимият органлари вазифа ва тузилмасини қайта кўриб чиқиш, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг

мустакиллигини ошириш, марказий органларнинг айрим ваколатларини махаллий хокимият органларига ўтказиш, давлат хизматларидан фойдаланиши имкониятини, уларнинг сифати ва тезкорлигини тубдан ошириш, фукаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини хар томонлама кўллаб-куватлаш;

конун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукук тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида - фукаролар шахсий хаёти дахлийликнинг конституцияйи кафолатларини, шу жумладан тинтуб ва телефон орқали сўзлашувларни эшлиб туришга санкция бериш хукукини судларга ўтказиш, Олий Мажлис хузурида Суд хокимияти мустакиллигини таъминлашга кўмаклашини бўйича комиссияни ташкил этиш орқали янада мустаҳкамлаш, миллӣ хавфсизлик органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, вактинча саклаш, тергов ҳибсоналари, жазони изро этиш муассасаларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ходимларини мобил видеокамералар билан таъминлаш, патруль хизматининг стационар постлари сонини оптималлаштириш;

иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни кўллаб-куватлаш соҳасида — фаол тадбиркорликни ривожлантириши учун қулай хукукий, ташкилий шароитлар яратиши, инновацион гоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг хукукий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш механизмларини, солик ва божхона сиёсатини, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш, аграр секторни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чикиш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиши, худудларни фаол ривожлантириш;

ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳасида — ижтимоий ҳимоя қилиш ва фукаролар соглигини саклашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий дорихоналарнинг ривожланган тармогини яратиши, ахоли бандлиги ва фукароларнинг реал даромадларини ошириш, «истеъмол саватчасини» аниглаш, ижтимоий ўйжойлар курилишини кенгайтириш, ахолининг ижтимоий ҳимояга мухтоҷ катламини ва ногиронлиги бўлган шахсларни хар томонлама манзилли кўллаб-куватлаш;

хавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташки сиёсат соҳасида — Ўзбекистон Республикасининг янги Миллӣ хавфсизлик концепциясини қабул қилиш, хорижий шериклар билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қуриклаш тизимини такомиллаштириш, терроризм, экстремизм ва ахборот таҳдидларига қарши курашиш, миллатлараро ва конфессиялараро тутувлик, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, Ташки ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, хорижда

фукароларнинг хукуқ ва манбаатларини химоя юлиш тизимиning самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, ўзаро манбаатли ташқи сиёсатни давом эттириш, савдо-иктисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш;.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга икки йил муддатта мораторий эълон юлингандиги, жиноят иши доирасида ва юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текширишлар бундан мустасностиб белгиланганлиги;.

2018 йил 1 апрелдан бошлаб:

Назорат ҳилувчи органлар фаолиятини мувоффиклаштириш бўйича республика кенгаши давлат солик хизмати органларининг бўшаётган 228 та штат бирликларини прокуратура органларига ўтказган ҳолда тугатилиши;

адлия органларининг кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чеър эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг хукуқ ва қонуний манбаатларини химоя юлиш бўйича бир-бирини тақрорловчи функция ва ваколатлари чиқариб ташланганлиги;

жиноят ишлари доирасида ўтказиладиган молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) бир ойдан ошмаслиги лозимлиги, алоҳида ҳолларда текшириш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатта Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан узайтирилиши мумкинлиги;

тадбиркорлик фаолиятини юритишдаги хукуқбузарликлар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича жиноят ишларини қўзгатиш факат Қорақалпогистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан амалга оширилиши;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида хукуқбузарликлар хақидаги маълумотлар, ўтказилган текширишлар ва мониторинг (асос, текшириш ёки мониторинг ўтказиш вақти, уларни ўтказган ходимлар ва бошқалар) ва аникланган хукуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотлар мажбурий тартибда прокуратура органларининг маҳсус электрон ахборот тизимига киритилиши белгилаб қўйилганлиги;.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси икки ой муддатда:

инновацион ва илмий фаолияти давлат ва жамоатчилик томонидан кўллаб-куватлаш чоралари, шу жумладан инновацион лойихаларни фоизсиз кредитлаш ҳамда инновацион лойихаларни кредитлаш учун тижорат банкларига давлат кафолатларини берини ҳам назарда тутувчи «Инновацион фаолият тўғрисида»ги ва «Фан тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонулари лойихаларини ишлаб чиқиши ва кенг жамоатчилик мухокамасидан кейин Олий Мажлис Конунчиллик палатасига киритиши;

маҳаллий лойиха ҳудрат ташкилотларининг ташки бозорларга чиқишини рагбатлантириш бўйича чора-тадбирлар, замонавий халкаро стандартларни хисобга олан ҳолда шахарсозлик норма ва қоидаларини тўлик қайта кўриб чиқиши/энергия тежамкор технологияларни фаол жорий этишини назарда тутиб, ўрилиш соҳасини инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиши киритиши;.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар, мониторинг ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида аникланган хукуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар ҳакидаги зарур ахборотларни доимий киритиб боришни назарда тутувчи маҳсусе электрон ахборот тизимини ишлаб чиқиши ва жорий килиши;.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги қонунбузилишлар ҳакидаги маълумотларни текшириш тартибини ишлаб чиқиши ва киритиши;

Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги ва бошқа манбаатдор идоралар билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти соҳасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш максадида жамоатчилик назоратининг таъсиран механизмларини назарда тутувчи қонун лойихасини ишлаб чиқиши ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатасига киритиши;.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манбаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида хукуқбузарликларни профилактика қилиш, қонунчилик нормаларини етказиш ва тушунтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши;.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳар бир хукуқбузарлик ҳолати бўйича айбор шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги принципи сўзсиз амалга оширилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти соҳасида, энг аввало, тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарнинг хукук ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик изжроси устидан назоратни кучайтириши;.

Куйидагилар:

а) куйидагилар 2023 йил 1 январга қадар муддатта ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солик ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод килиниши;

юкори технологияли тадбиркорлик лойихалари-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил юлинадиган венчур фонdlар;

венчур фонdlардан биргаликда молиялаштирилдиган юкори технологияли лойихалар-стартаплар;

оилмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиха-конструкторлик бюrolари ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан (фойдаланишга беришдан) олинган даромадлар бўйича;

янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер килувчи ташкилотлар бу фаолиятдан одинган даромадлари бўйича;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон тизорат соҳасида маҳсус ваколатли давлат органи хисобланиши белгиланганлиги.;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат дастурида белгиланган муддатларда:

Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни билан биргаликда туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари - «Халқ кабулхоналари» замонавий биноларининг тасдиқланган намунавий лойихаларга мувофиқ қурилиши ва жиҳозланишини тъминлаши;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни билан биргаликда электрон навбат ва давлат хизматини кўрсатишнинг боришини масофадан видеокузатиш тизимларини жорий этиш, олис аҳоли пунктларида мобиъ давлат хизматлари марказларини ташкил қилиш, шунингдек, мобиъ алоқа воситалари орқали давлат хизматлари кўрсатишни тъминлаши.;

Вактинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича хисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган такик, шунингдек, вактинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича хисобда турмасдан яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги бекор қилинганлиги.;

Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вактида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан назоратни, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши тўгрисидаги умумлаштирилган ахборотнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига хар чорақда тақдим этилишини тъминлашлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, махаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг Давлат дастуринда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофикалаштириб боришини таъминлаши;.

Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлар:

Энг аввало замонавий ишлаб чиқаришни жорий этишга мўлжалланган инновацион гоялар ҳамда технологияларни, фаол тадбиркорликни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш ва рағбатлантиришга;

худудлар ижтимоий-иктисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши ва ахолининг хаёт даражаси ҳамда фаровонлигини оширишга кўмаклашувчи фан ва инновацион фаолиятни жадал ривожлантириш учун зарур шартшароитларни яратишга;

илгор фикрлайдиган, ташаббускор ва масъулиятли ходимлар ҳамда фукароларни ҳар томонлама амалий кўллаб-куватлашга;

«Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши шарт» деган коидани рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қартиши;.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлиги «Тараккиёт стратегияси» маркази билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тизими мониторинг килинишини ҳамда у ўз вактида ва сифатли бажарилиши учун қўшимча чора-тадбирларни кўриш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилишини;

Давлат дастури амалга оширилиши ҳақидаги маълумотларнинг ҳар ой умумлаштирилишини ҳамда унинг якунлари аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришлар кўрсатилган ҳолда ўзларининг вебсайтларида жойлаштирилишини;

мониторинг натижалари ҳақида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот киритилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг якунларига багишлиланган ахборот-таҳтилий обзорларнинг чет тилларда тайёрланиши, нашр этилиши ва кенг тарқатилишини таъминлашлари;.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ўзаро якин ҳамкорликда:

мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммазий ахборот восьиталари ва Интернет тармогида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг борччи хакидаги холис, тўлик маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини тъминлашлари.;

Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги:

ушбу Фармоннинг мазмун ва моҳиятини, шунингдек, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга каратилган зарур маълумотларнинг халкаро жамоатчиликка тизимли етказилишини;

Давлат дастурини амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотларига илгор хорижий тажрибани ўрганишда ҳар томонлама кўмаклашишини тъминлаши.;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура ва бошқа манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда иккى ой муддатда конун хужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва кўшимчалар тўгрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига тақлифлар киритишлари маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йили"да амалга оширишга оид Самарқанд вилоятининг ҳудудий дастури I-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни кўллаб-куватлаш йили"да амалга оширишга оид Ҳудудий дастурни амалга ошириш бўйича ишчи гурӯҳлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (У.Абдуллаев) Вилоят адлия бошқармаси (Халилов), вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (Содиков) ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари - «Халқ қабулхоналари» замонавий биноларининг тасдиқланган намунавий дойихаларга мувофиқ қурилиши ва жиҳозланишини тъминласлансинлар.

6. Вилоят ҳокимининг барча ўринбосарлари (Худайбердиев, Курбанов, Абдуллаев, Умаров, Бабаев, Восеев, Кулматов, Гафурова) вилоят бошқарма, ташкилот, корхона раҳбарлари ҳамда туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизомли мониторинг қилиш, дастурнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини;

эришизган изжобий ўзгаришлар кўрсатилган холда ўзларининг веб-сайтларида жойлаштирилишини;

мониторинг натижалари ҳакида ҳар ойда вилоят хокимлигига саборот киритилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг якунларига багишланган ахборот-тахлилий маълумотларининг чет тилларда тайёрланниши, нашр этилиши ва кенг тарқатилишини тъминласинлар.

7. Мазкур карорниң изжосини назорат килиш вилоят хокими нинг соҳалар бўйича ўринбосарлари (Худайбердиев, Курбанов, Абдулаев, Умаров, Бабаев, Кулматов, Восеев, Фафурова) зинмасига юқдатилсин.

Вилоят хокими

Т.Джураев

